

Масжидун-Набий



11:30 / 23.09.2019 2893

Исломнинг иккинчи мўътабар масжиди «Масжидун-Набий» (Пайғамбар масжиди) Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрида жойлашган. Масжид ўрнини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ансорийлардан бўлмиш икки етим боладан ўн динорга сотиб олиб, унинг қурилишида ўзлари ҳам иштирок этганлар. Масжид кейинчалик ҳазрати Умар ва ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳумо ҳамда кейинги халифа-подшоҳлар томонидан бир неча бор таъмирланиб кенгайтирилган. Охиргиси таъмирда унинг умумий саҳни яна 235 минг кв метрга кенгайди ва ҳозирда унда бир вақтнинг ўзида бир миллиондан ортиқ намозхон ибодат қилиши мумкин.

Масжиднинг бир юз беш метрли иккита, етмиш беш метрли тўртта минораси, ўзи очиб-ёпиладиган 27 та томи, 400 дан ортиқ устуни, 6800 та қандили бор. Масжид ичида Пайғамбар алайҳиссалом, Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттобларнинг қабри жойлашган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Менинг масжидимдаги бир намоз ундан бошқасидаги мингта намоздан яхшидир. Фақат Масжидул Ҳаромгина ундан мустасно»**, деганлар *(Бухорий ва Муслим ривояти)*.

Пайғамбар алайҳиссалом масжидлари Арабистон ярим оролидаги биринчи электрлаштирилган ибодатхонадир. Усмонли халифалар замонида – 1910 йили Масжидун-Набийга электр тортиб келинди. Шундан ўн йил кейингина Масжидул-Ҳаром электрлаштирилди. Ушбу масжидда Ер юзидаги энг табаррук жой – Равзаи шариф, яъни «жаннат боғчаларидан бири» деб

шарафланган муборак мақом жойлашган. Бу мақом шарқ томондан Пайғамбар алайҳиссаломнинг суюкли завжалари Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳужрасини ва ғарб томондан меҳроб деворини ўз ичига олади.

Масжид ҳозиргача тўққиз марта қайта таъмирланган ва кенгайтирилган. Аббосийлар даврида масжид ёнғин туфайли катта талафот кўрди ва айрим шифтлари қулаб тушди. Бир йил ичида у қайта таъмирдан чиқарилди. Кейинроқ у яна ёнғиндан катта зарар кўрди. Шунда масжидни султон Қайтбой асл ҳолига келтирди. Ҳозирги пайтда умумий майдони 56 та футбол майдонига тенг келадиган масжидда таъмирлаш ва кенгайтириш ишлари бошлаб юборилган.

«Nilol» журнали, 2-сонидан олинди